



## COINS IN THE EMIRATE OF BUKHARA DURING THE REIGN OF AMIR SHAHMURAD

**Muhayyo Umarova**

Teacher of the Department of "Social Sciences, Vocational Education and Pedagogy" of the National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod, Researcher of the Institute of History of the Russian Academy of Sciences;

Mail: [muhayyo120875@gmail.com](mailto:muhayyo120875@gmail.com)

phone: +99890 933 5442

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11500236>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2024

Online: 06<sup>th</sup> June 2024

### KEYWORDS

*Bukhara Emirate, Daniyalbi, Amir Shahmurad, Abulghozi, obverse, reverse, precious metal, Iran, India, coin, copper chaka, silver, fulus, ashrafi, chervonets, Masumi, mint, stamp, symbol of Islamic faith.*

### ABSTRACT

*The article is devoted to economic reforms during the reign of Bukhara Emir Shahmurad, minting of coins in the Bukhara Emirate, the words minted on gold and silver coins and their meanings, and the state of coin minting.*

## АМИР ШОҲМУРОД ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАНГАЛАР

**Муҳайё Умарова**

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти "Ижтимоий фанлар, касбий таълим ва педагогика" кафедраси ўқитувчиси, ЎзР ФА Тарих институти изланувчиси; Mail: [muhayyo120875@gmail.com](mailto:muhayyo120875@gmail.com). телефон: +99890 933 5442

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11500236>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2024

Online: 06<sup>th</sup> June 2024

### KEYWORDS

*Бухоро амирлиги, Дониёлбий, амир Шохмурод, Абулғози, аверси, реверси, қимматбаҳо металл, Эрон, Ҳиндистон, танга, мис чақа, нуқра, фулус, ашрафи, червонец, Маъсуми, зарбхона, тамға, исломий эътиқод рамзи.*

### ABSTRACT

*Мақола Бухоро Амири Шохмурод даврида иқтисод соҳасидаги ислохотлари, Бухоро амирлигида тангаларнинг зарб этилиши, олтин, кумуш тангаларда зарб этилган сўзлар ва уларнинг маъноларини ёритишга, тангалар зарб этиш ҳолатига бағишланади.*



**Кириш.** Бухоро амирлиги ва амир Шоҳмурод ибн Дониёлбий ҳукмронлиги даврида зарб этилган тангалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Амир Шоҳмуроднинг отаси Амир Дониёлбий даврида пул воситалари қадрсизланган. Амир Шоҳмурод даврига келганда ислохотлар натижасида тангалар кўриниши ва уларнинг вазни ўзгартирилган. Бу эса ўз навбатида пул инфляциясини олди олган ва Бухоро амирлиги тангалари ўз қадр-қимматини тикланган. Ушбу мақолада тангаларнинг зарб этилиши ва амалда ишлатилиши борасидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Зеро, ўтказилган ислохот мамлакат иқтисодиётининг тикланишига замин яратган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).** Бухоро давлатчилиги тарихи жуда қадимий тарих ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб китоблар ёзиб қолдирилган. Улардан Бухоро амирлиги тарихнафислари Мирзо Салим Сомий, Мирий, Мирза Бадиий, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний ва шу қаторда рус тарихчи олимлардан В.Вяткин, Л.Н.Соболев, Е.А. Давидович, ўзбек тарихчиларидан Азамат Зиё, З.Муқимов, А.Мухамеджанов, Қ.Ражабов, М.Ю.Саиджанов, Я.С.Ашуров, Г. Амирова, М.А. Чориева ва бошқаларнинг асарларидан маълумотларни учратамиз.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолада умумий қабул қилинган методлар-холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Бухоро амири Шоҳмурод ибн Дониёлбий даврида пул ислохотининг ўтказилиши ва иқтисод тизимида ўзгаришлари баён этилади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Валюта доимий равишда бошқа товар ёки хизматларнинг қийматини белгиловчи эквивалент вазифасини бажарувчи восита сифатида хизмат қилиб келган. Унинг ёрдами билан бошқа маҳсулотларнинг қиймати белгиланади ва осонликча харид қилиш имконияти яратилган [1]. Давлатларнинг илк шаклланиш босқичида танга пуллар кенг муомалага киритилган. Валюта муомаласи миллат иқтисодиёти, обрў-эътибори белгилаб берган. Тангаларнинг асл маъноси туркий “тамға” сўзидан келиб чиққан. Тарихда давлатлар олтин, кумуш, мис тангалар зарб эттирганлар. Овалсимон ёки думалоқ шаклдаги тангалар фойдаланиш учун жуда қулай бўлганлиги учун ҳам асосан шу шаклларда зарб қилинган. Тангалар аверси (юзи) ва реверси (танганинг орқа томони), гирди (чети) орқали фарқланиши нумизмат (тангашунос) олимлар томонидан эътиборга олинган, ўрганилган.

Қадимдан Марказий Осиё ҳудудида турли хил давлатлар мавжуд бўлган ва уларда пул муомуласи йўлга қўйилган. Бухоро улар орасида энг қадимийлиги билан фарқланади. Бухоро амирлиги ҳам бундан истисно эмас. Манғитлар ҳукмронлиги даврида амирликда пул муомуласида жуда катта тарихий ўзгаришлар содир бўлган.

Амирликда фойдали қазилма бойликларида рангли металл бўлсада, олтин, кумуш, мис қазиб чиқарилмаган, тўғрироғи қимматбаҳо металл қазиб чиқариш технологиясини билишмаган. Манғитлардан олдин ҳам қимматбаҳо металл сотиб олинган. Дониёлбий ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида сайёҳ сифатида ташриф буюрган Филипп Евремов берган маълумотга кўра: Тиллани асосан Ҳиндистон ва Эрондан пул эвазига сотиб олишган, кумушни хитойликлар билан айрибошлашган. Голланд червонецлари анчагина мавжуд бўлиб, бошқа тангалар каби уни ҳам қайта зарб қилишиб, Бухоро тангаларига айлантиришган[6.196]. Қимматбаҳо металллар



Бухоро амирлигида мавжуд бўлсада, уни қазиб чиқара билмаганлигига эътибор қаратган[6.196].

Бухоро амирлигида Қўқон ва Хива хонликлари, Эрон ва Ҳиндистондан, ҳаттоки Европа давлатларидан Голландиянинг тангалари ҳам амалда мавжуд бўлган. Бу эса амирликда бошқа давлат тангалари ҳам муомалада бўлганлигини ва зарур ҳолларда хорижий тангалар амирлик тангаларига айлантирилганлигини билдиради.

Бухорода мис, кумуш, олтин тангалар бўлиб, мис тангалар “мис пул”, “қора пул” “фулус” [16], кумуш тангалар “танга”, олтин тангалар “ашрафи” ёки “тилла” деб юритилган. Бухорода пуллар олтин танга, кумуш танга нуқра, мис танга пул фалс, фулус, пул, мис, қора пул[8], чақа[1] деб номланган ва амалда бўлган. Одатда танганинг бир томонида хукмдор номи, иккинчи томонида Қуръондан оятлар келтирилган[15].

1785 йил Бухоро амирлигида тахт тепасига келган Амир Шоҳмурод Абдулғози номидан мамлакатда пул муомаласини яхшилаш мақсадида катта ислоҳот ўтказган. Пул ислоҳоти жуда мураккаб иш бўлишига қарамасдан, Амир Шоҳмурод томонидан жуда катта қадам ташланди. Зеро, дастлабки 4 йилда тангалар Абулғози номи билан зарб қилинган. 1789 йилдан бошлаб отаси Дониёлбий номи билан олтин тангалар зарб қилдира бошлаган. Чунки шу даврга қадар амирликда уч хил пул, номи кумуш, аммо ярми мисдан ва бошқа қоришмалардан иборат бўлган кумуш танга, мис танга, ҳамда тилла танга муомалада бўлган. Бу даврда мамлакатда кумуш тангаларнинг қиймати уларга қўшилган мис натижасида жуда паст бўлган. Мухаммад Раҳимхон давридан бошлаб кумуш тангаларга 30% кумуш қўшилиши таъминланган [5]. Шунинг учун ҳам Бухоро амирлигида пул ислоҳоти ўтказиш зарур бўлган. Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган пул ислоҳот эски анъанани йўқ қилмаган, аксинча олдинги уч шаклдаги пул номинали сақланиб қолаверган.

Амир Шоҳмурод тўла ҳолатда кумушдан иборат бўлган ва 0,7 мисқолга (3,36 гр.) тенг кумуш танга ва йирик савдо мулоқотида ишлатишга мўлжалланган, олдингиларидан ўзининг қиймати, сифати ва ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган соф тилла тангаларни зарб эттирди. Бу тангалар олдинги тангалардан тубдан фарқ қилган. Зеро, Амир Шоҳмурод зарб эттирган тангалар Жонийларнинг кумуш тангасидан ўз ёзув ва безаги билангина фарқ қилиб қолмаган. Танганинг зарб этилишида олдингидек зарбнинг исломий йили сақланган. Манғит хукмдорлари тангалари ичида биринчи марта “амир” сўзи Шоҳмурод ибн Дониёлбий даврида вужудга келди ва танганинг юза қисмида амир Шоҳмуроднинг отаси бўлмиш “амир Дониёлбий” исми, сана зарб қилинган. Танганинг орқа томонидан эса исломий эътиқод рамзи ўрнига зарбхона, сана кўрсатилган. Амир Шоҳмурод тангаларининг асосий хусусияти шунда эдики, тангаларнинг икки томонида ҳам сана қўйилиши эътиборга олинган. Фақат мис тангалардагина бир томонига сана қўйилиши кузатилади.

Техник нуқтаи назардан ҳам тангаларга қўлланилган ислоҳотларда ўзгаришлар катта бўлди. Кумуш тангалар аъло сифати, яъни соф кумушдан ишланганлиги билан ва оғирлиги ва ҳажми кичрайганлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари танга зарб қилинишида тўғри формага киритилганлиги сезилади.

Тангалар зарб қилинган, халққа кимнинг кумуши (нуқраси) бўлса, зарбхонага топшириб, унинг ўрнига янги тангалар – валюта олиши мумкинлиги эълон қилинган.



Аҳоли томонидан давлатга тақдим қилинган паст қийматли кумуш танга эвазига соф кумуш танга берилиши таъминланган. Бу эса бевосита аҳолининг иқтисодий нуқтаи назардан давлат томонидан ҳимояланишини таъминлаган ва савдо-сотиқнинг ривожланишига замин яратган.

Шу тариқа эски амалда бўлган тангалар халқдан йиғиб олинган. Маҳаллий аҳоли эса ўзида мавжуд қимматбаҳо металл билан танга зарбхоналарига келиб, танга зарб қилдира олганлар. Шу тариқа тангаларни зарб қилиш тизими йўлга қўйилган ва Амир Шоҳмурод томонидан эркин пул зарб қилиш ҳуқуқининг (хусусий зарбхоналар) қўпайишини таъминлаган. Зарб қилиб берилганлиги учун зарбхоналарга маълум миқдорда хизмат ҳақи тўланган. Бу эса ўз-ўзидан давлат хазинасини бойитишга ва мамлакат ичида ягона миқдорда ва қийматдаги пул муомаласини ташкил қилишга олиб келди, бундай сиёсат мамлакатда пул муомаласининг сифат даражасининг яхшиланишига замин яратган[4.165].

Мирзо Шамс Бухорий таъкидлаганидек[7.44], Амир Шоҳмурод ибн Дониёлбий тангаларга ўз номини киритиб танга зарб қилдирмаган. Бунга у доимий равишда “Биз бунга ҳақли эмасмиз” дея жавоб берган. Яъниким ўзининг хон авлодидан бўлмаганлигини рўкач қилган. Фақат тилла тангаларни отаси Дониёлбий номи билан зарб қилган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки манғитлар даврида оламдан ўтган амирларнинг номларини зарб қилдириш расм бўлган. Амир Шоҳмурод зарб қилдирган тангаларда “амир” сўзи пайдо бўлган ва бу бевосита унинг отаси амир Дониёлбийга тегишли бўлган. Яъни, “амир Дониёлбий” номи тангаларда зарб қилинган. Амир Шоҳмуроднинг ўғли Саййид Амир Ҳайдар ибн Шоҳмурод чингизий ва Муҳаммад с.а.в. авлодига мансуб бўлганлиги учун ўз тангаларига ўзининг номи билан “ҳайдари” ва отасининг исмига бағишлаб “Маъсуми”, бобоси Дониёлбий номларини киритиб тилла тангалар зарб қилдирган. (Масалан, бундай тангаларни зарб қилиш Мирзо Улуғбек томонидан отаси Шохрухмирзонинг исмларини ва бобоси Амир Темурга бағишлаб “Амир Темур Кўрагон ҳимматидин”[17] сўзи билан танга зарб қилинган.) зарб қилинган кумуш тангаларда фақат сана ва танганинг номи ёзилган. Киритилган сўзлар араб имлосида араб тилида ва форс тилларида зарб қилиниши йўлга қўйилган.

Янгича тизимни жорий қилган амир Шоҳмуроднинг пул ислоҳоти, у томонидан бошқарилаётган давлатнинг қудратини намоён қила олган. Бундан ташқари олдинги қиймати паст пул ўрнига соф кумуш, соф тилла тангаларнинг зарб қилиниши пул инфляциясини олдини олган ва савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон яратган. Мамлакат иқтисоднинг ривожланиши барқарор вазиятни вужудга келтирган. Зарб этилган тангаларнинг халқаро майдонда ҳам ишлатилишини таъминлаган.

Ҳозирги кунда музейларда ва коллекционерларда тилла тангалар жуда яхши сақланган. Фақат бу тилла тангалар жумбоқларга эга. Икки хил турли саналар бўлиши ёки ундаги ёзувлар қофияланганлиги, алоҳида белгилари билан эътиборни тортади. Ушбу белгилар сири фан арбоблари томонидан ўрганилиши лозим. Зеро, амир Шоҳмурод ибн Дониёлбий даврида мелодий 1785-1786 (хижрий 1200-1201) йилларда зарб қилинган тангаларда 1786 йилга тегишли, 1788-1789 (хижрий 1203-1204)



йилларда зарб қилинган тангаларда 1789 йилга тегишли штамплар мавжуд. Бу эса бевосита, маълум бир даврда штамни ўзгартиришганлигини билдиради [4.164].

Тангашунос М.Давидовичнинг “История монетного Средней Азии XVII–XVIII вв”. (Золотые и серебряные монеты Джанидов) асарида амир Шоҳмурод зарб қилдирган тангаларни жоний хон Абулғозихонга тегишли деб фикр билдиради. Лекин, бу тангаларни амир Шоҳмурод зарб қилганлиги, Абулғозихоннинг қўғирчоқ хон бўлганлигини ҳам таъкилаб ўтади [4.166]. Шунинг учун ҳам амир Шоҳмурод ибн Дониёлбий ҳукмронлигининг дастлабки 4 йил ичида Абулғозихон номидан тангаларни зарб қилдирган. Шунга қарамасдан амир Шоҳмурод давридаги тангаларда салмоқли ўзгаришлар содир бўлган эди. Булар қуйидагилардир:

1. Кўзга ташланадиган энг муҳим нарса тангаларнинг ташқи кўриниши ва ҳажми ҳисобланади. Барча тангалар диаметри 18-19 мм.ни ташкил қилган, айрим ҳолларда 0,5-1,0 мм бир биридан фарқ қилган бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан бу тангалар эҳтиёткорлик билан жуда сифатли зарб қилинган.
2. Амир Шоҳмурод зарб қилдирган тангалар исломий эътиқод рамзлари (Аллоҳ исмлари, Мухаммад С.А.В. ва тўрт халиф номлари), қуръон оятлари ва ҳукмдорни мақташга аталган дуолар мавжуд эмас. Ҳаттоки олдингидек марказий қисмида картуши (тангаларга думалоқ, квадрат, ромб, гул, нуқта, доирачалар ва бошқа геометрик шаклларнинг бир қатор ёки икки қатор қилиб зарб берилиши) ҳам йўқ. Ёзувлари ҳам ўзгача кўринишда. Танганинг олд қисми марказида қисқача ҳукмдор титули ва исми, икки томонлама ҳам айрим ҳолларда (мис тангаларда) бир томонида зарбхона номи ва сана ёзилган.
3. Танганинг оғирлиги жиҳатидан ҳам катта фарқ мавжуд. Кумуш танга 3,36 граммни ташкил қилган ва дирҳамга тенглаштирилган. Амир Шоҳмуродгача бўлган даврда тангалар 4,8 граммни ташкил қилган.
4. Зарб қилиш техникаси бўйича катта ўзгаришлар содир бўлган. Танга аниқ ва эҳтиёткорлик билан зарб қилинган.
5. Амир Шоҳмурод зарб қилдирган танганинг софлиги унинг ташқи кўринишиданоқ маълум эди. Бу тангалар экспертизадан ўтказилганда иккала танга (олтин ва кумуш) ҳам 950 пробага тегишли бўлган [4.165], [9].
6. Тангаларни зарб этишда кумуш тангалар олтин тангаларга нисбатан кўпроқ бўлган.

Амир Шоҳмуроднинг йиллик тангалари кўп ҳолларда бир нусхада тақдим этилган. Олтин тангалар деярли ҳар йили зарб қилиниши ҳайратланарли, гарчи ислоҳот даврида кумуш танга диққат марказида бўлсада, бу охириги жонийлар кумуш тангаларини ҳисобга олган ҳолда унчалик ажабланарли эмас. Миснинг муомаласи кўринишидан дастлабки йилларда эски тангалар заҳирасини таъминлаган.

Танганинг чиқарилган саналари аввалгидек мусулмон хронологияси – ҳижрий йил асосида сақланиб қолган. Аммо танганинг олд томонида, аввалгидек ҳукмдорнинг номи ва санаси кўрсатилган. Шу билан бир қаторда ўлган уруғ аъзоларининг исмлари ёзилган тангаларнинг чиқарилиши Амир Шоҳмурод томонидан бошлаб берилган, чунки у зарб қилдирган олтин тангаларга отаси Дониёлбийнинг исмини кириттирган. Бу билан амир Шоҳмурод зарб қилинган олтин ва кумуш тангаларни иқтисодий восита



сифатида эмас, балки аждодларни ҳурматлаш, отасига бўлган ҳурмат ва иззатни, давлатнинг куч қудратини намоён этиш воситаси сифатида қараган бўлса ажабмас.

Бухоро хонлиги тангаларида одатда Сомонийлар давридан бошлаб амир Шоҳмуродгача бўлган даврда бир хил умумий шакл мавжуд бўлган. Унда тангаларнинг олд томонига “Калимаи таййиба”, орқа томонига “Калимаи тавҳид” ёзилган[2]. Амир Шоҳмурод ислоҳоти асосида тангаларнинг орқа томонида диний эътиқод тимсоли ўрнига, танга зарбхонаси номи ва зарб қилинган санаси киритилиши русум бўлган. Шу билан манғит тангаларида ўзига хос хусусият: танганинг икки томонида ҳам сана зарб қилиниши йўлга қўйилган. Мис тангаларининг бир томонида сана зарб қилиниши йўлга қўйилган. Бу ислоҳот асосида турли мақсадларда фойдаланиладиган ва турли ҳолатларда сақланадиган пулга муқаддас калималарни зарб қилинмаганлиги, бевосита амир Шоҳмурод ибн Дониёлбийнинг сўфийсифатлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, мусулмон оламида араб ҳарфлари нафақат имло, балки сон ва бошқа вазифаларни ҳам бажариб келган. Буни “абжад” мисолида-сўзларнинг турли тарихлар ва саналарнинг яширин келишини ёки “муаммолар” мисолида – яширин маъноларга ишора қилиш санъатини ва “илми сиё” да маълум бир жумла ёки сўз бутунлай бошқача маъно англатиши мумкин [2].

Бухоро Давлат музейи қўриқхонаси фондида сақланаётган Бухоро тилла тангалари бевосита улар ҳам тарихий экспонат, ҳам аждодларимизнинг маълум бир даврдаги ижтимоий ҳаёт тарзини, маданиятини, тарихини намоён этувчи восита ҳамдир.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendation).** Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Амир Шоҳмурод даврида ўтказилган пул ислоҳоти амирликда пул инфляциясини камайтирган, савдо-сотиқ алоқаларини янада мустақкамлаган. Янгича тартибда зарб қилинган тангаларнинг кичик бўлсада қийматининг устунлигини таъминлаган.

Аҳолидан эски тангаларни топшириш эвазига, янги зарб қилинган тангаларнинг берилиши ва истеъмолга киритилиши ҳукумат учун инсон қадр-қийматининг қадрли эканлиги, давлат инсон манфаатларига хизмат қилганлигини билдиради.

Тангаларда исломий рамзларнинг ўрнига ўтган ҳукмдор номларининг, зарбхона ва сананинг киритилиши тангаларнинг анча содда тартибда зарб қилинганлигини билдиради. Бундан ташқари ислом динида муқаддас саналган Қуръони карим сура ва оятларининг ҳимояланишини, сана ва ўтган ҳукмдорларнинг номларининг киритилиши бевосита ҳукмдор ва унинг ҳукмронлик йиллари тўғрисида маълумотлар берилишини таъминлаган. Шу билан биргаликда ўтган авлодларни ҳурмат қилиш ва уларни эъзозлаш ҳиссини сингдирган.

### References:

1. Амирова Г. Зарбли пул воситалари. Маърифат. 2012. 2 июнь.
2. Болтаев А. Бухоронинг тилла тангалари. Бухоро оқшоми. 2002. 22 июнь.
3. Бурнашева Р. Монеты Бухарского ханства при мангытах (середина XVIII- начало XX в.) // Эпиграфика Востока, 1967, №18. - С. 123.;



4. Давидович М. “История монетного Средней Азии XVII–XVIII вв.” (Золотые и серебряные монеты Джанидов). Изв.во АН ТадССР. Душанбе. 1964. – С. 165.,
5. Зулфшор қизи. Бухоронинг кумуш тангалари. Бухоро ҳақиқати. 1997. 20 август.
6. Странствование Филипа Евремова. Изд 3-е, Казань, 1811, - С. 70., Давидов М. – С. 196.
7. Мирзо Шамс Бухари “О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кошгаре”. Казань. 1861. – С. 44.
8. Самадова Х. Коракўл садоси. 2013 йил 2 май.
9. Поручение №717 от 15 декабря 1961.; заключеник №1647.
10. Ҳолиқова Р. Э. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2006, - Б. 59.
11. Umarova M. Features of the reforms of Emir Shakhmurad during the reign of the Bukhara Emirate.//The American Journal of Social Science and Education Innovations. –Т. 10. 2021. С. 49-54.
12. Умарова М. Аҳмад Донишининг “Таърихи салтанати манғития” асарида бухоро хукмдори Амир Шоҳмуроднинг таърифи //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4. – №. 11.
13. Умарова М. Социально-экономические реформы при правлении бухарского Эмира Шахмурада //Общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история. – 2020. – с. 17-20.
14. Utanova U., Umarova M., Abdullahodjaev G. Organization And Features Of The Education System Of The Bukhara Emirate During The Reign Of Emir Shakhmurad (1785-1800) //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO. – 2021. – С. 15326-15334.
15. Чориева М.А. Экономика и денежное обращение (монеты) в Бухарском эмирате при мангытах (на рубеже 19 - 20 веков). Наука, техника и боразование; <http://uni-numizmat.narod.ru/begin.html>.
16. <http://uni-numizmat.narod.ru/begin.html>.
17. “Танга ва пулларнинг пайдо бўлиши тарихи” мавзуси “1.07.2022 да “Аслида қандай” кўрсатуви маълумотларидан.